

# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
кељагаи  
буюк  
давлат

2023 йил — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2023 йил 25 май, № 106 (8449)

Пайшанба

Сайтмига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## ЎЗБЕКИСТОН — СИНГАПУР: ТАРИХИЙ ТАШРИФЛАР ВА ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНАЁТГАН ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Сингапур Республикаси Президенти Халима Якуб давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлиб турибди.



24 май куни “Кўксарой” қароргоҳида Сингапур раҳбарини расмий кутиб олиш маросими бўлиб ўтди.

Қароргоҳ олдидаги майдонда фахрий қоровул саф торди. Президент Шавкат Мирзиёев олий мартабали меҳмонни самимий қарши олиб, шоҳсупага таклиф қилди.

Ҳарбий оркестр икки давлат мадҳияларини ижро этди.

Президентлар фахрий қоровул сафидан ўтиб, расмий делегациялар аъзоларини кутладилар.

Биргаликда суратга тушишдан сўнг олий даражадаги музокаралар бўлиб ўтди.

Учрашув аввалида Сингапур Президентини мамлакатимиз раҳбарига Ўзбекистонга давлат ташрифи

билан келиш таклифи ва Сингапур делегациясига кўрсатилаётган илиқ қабул учун самимий миннатдорлик билдирди. Бўлажак Ўзбекистон Президенти сайловида катта муваффақиятлар тилади.

Ушбу олий даражадаги ташриф икки мамлакат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганидан буюн ўтган 25 йил ичида биринчи-си экани таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Сингапурга шу йил январдаги тарихий ташрифи якунида ҳамкорликнинг муҳим йўналишлари бўйича эришилган барча келишувлар изчил амалга оширилаётгани манаунят билан қайд этилди.

Музокараларда сиёсий мулоқот ва парламентлараро алоқаларни

янада мустаҳкамлаш, халқаро ташкилотлар доирасида ўзаро қўллаб-қувватлаш, давлат бошқаруви соҳасида кадрлар тайёрлаш дастурларини амалга ошириш, жамоат хавфсизлиги ва маданий-гуманитар алмашинув бўйича мулоқотларни фаоллаштириш масалаларига катта эътибор қаратилди.

Савдо-иқтисодий ва инвестициявий соҳаларда улкан ютуқларга эришилаётгани алоҳида таъкидланди.

Жорий йил бошидан ўзаро савдо кўрсаткичлари бир неча баробар ошди. Сингапур Ўзбекистоннинг энг йirik инвесторлари сафига кирди.

Бугунги кунда Сингапурнинг “Indorama”, “Meinhardt Group”, “Franklin Templeton”, “Enercon”, “PSA”, “Changi Airport” ва бошқа

етақчи компаниялари билан биргаликда кимё ва тўқимачилик саноати, транспорт ва логистика, шаҳарсозлик, таълим хизматлари, хусусийлаштириш соҳаларида 3,8 миллиард долларлик лойиҳаларнинг амалга оширилиши фаол паллага кирган.

Иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш истиқболлари батафсил кўриб чиқилди. Ташрифнинг ишбилармонлик дастури доирасидаги Ўзбекистон — Сингапур бизнес форуми натижалари савдо, логистика, инновациялар, энергетика, соғлиқни сақлаш каби соҳаларда етакчи компанияларнинг инвестициявий шериклигини кенгайтиришга хизмат қилишига ишонч билдирildi.

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва озиқ-овқат маҳсулотларининг Сингапур бозорига етказиб берилишини йўлга қўйиш масалалари кўриб чиқилди.

Томонлар гуманитар лойиҳаларни амалга ошириш бўйича ҳамкорликни кенгайтиришга қатъий интилишини билдирди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси негизда ташкил этилган қўшма таълим маркази доирасида Сингапурнинг давлат бошқаруви ва бошқарув кадрларини тайёрлаш борасидаги тажрибасини жорий этиш муҳимлиги таъкидланди.

Сингапурнинг Ўзбекистондаги олий таълим муассасалари фаолияти ҳамда икки мамлакат ўртасидаги мунтазам маданий, таълим ва туризм алмашинувларининг фаоллашиши қўллаб-қувватланди.

Давлат раҳбарлари Марказий ва Жанубий-Шарқий Осиёда минтақавий интеграциянинг долзарб масалалари юзасидан фикр алмашиб, халқаро майдонда, энг аввало, БМТ доирасида ҳамда Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига қўшилиш жараёнида ўзаро англашув ва қўллаб-қувватлаш даражаси юқори эканини қайд этдилар.

Музокаралар ишонч, очиқлик ва дўстлик руҳида ўтди. Шундан сўнг Ўзбекистон Рес-

публикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Сингапур Республикаси Президенти Халима Якуб ҳузурида икки томонлама ҳужжатларни алмашиш маросими бўлиб ўтди.

Хусусан, ташриф давомида қуйидаги ҳужжатлар имзоланди: — Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Сингапур Республикаси Ҳукумати ўртасида 2023 — 2026 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик тўғрисида меморандум;

— Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Сингапур Республикаси Ички ишлар вазирлиги ўртасида ҳамкорлик тўғрисида меморандум;

— Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Сингапур Республикаси Адлия вазирлиги ўртасида 2023-2024 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури;

— Ўзбекистон Республикаси Маданият ва туризм вазирлиги ва Сингапур Республикаси Савдо ва саноат вазирлиги ҳузуридаги Сингапур туризм бошқармаси ўртасида ҳамкорлик тўғрисида меморандум;

— Ўзбекистон Республикаси Маданият ва туризм вазирлиги ва Сингапур туризм агентликлари миллий ассоциацияси ўртасида ҳамкорлик тўғрисида битим;

— Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ва Сингапур ҳамкорлик агентлиги ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш, “яшил” иқтисодиёт соҳасидаги қўшма фаолият тўғрисида ҳамкорлик битими;

— Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ҳузуридаги Хорижий инвестицияларни жалб этиш агентлиги ва Сингапур Республикаси Бизнес федерацияси ўртасида ҳамкорлик тўғрисида меморандум.

Ўзбекистон — Сингапур саммити якунида “Кўксарой” қароргоҳида дарахт экиш маросими бўлиб ўтди.

Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Халима Якуб Фахрий меҳмонлар хибонаида арча экдилар.

Бу давлатлараро муносабатларда янги давр бошлангани Ўзбе-

кистон ва Сингапур халқлари дўстлиги мустаҳкамланиб бораётганининг рами бўлди.

Шу кун Сингапур Республикаси Президенти Халима Якуб пойтахтимидаги Халқаро конгресс марказида ташкил этилган Ўзбекистон — Сингапур ишбилармон доираларининг бизнес форуми очилиш маросимида иштирок этди.

Сингапур Президентини Халима Якуб Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида бўлди.

Халима Якуб Сингапурда давлат хизматчилари ва рақамлаштириш соҳасида кадрларни тайёрлаш жараёни тизимий равишда ташкил қилингани, “Ақли миллат” ташаббуси доирасида давлат даражасида рақамли трансформациянинг драйвери бўлишга қодир кадрларни тайёрлаш масаласи каби долзарб мавзулардаги тажрибалари ҳақида сўзлаб берди.

Сингапур раҳбари, шунингдек, мамлакатимиздаги диний конфессиялар раҳбарлари билан учрашди. Халима Якуб диний бағрикенглик борасида Ўзбекистоннинг илғор ташаббуслари халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилаётганини қайд этди.

Сингапур Республикаси Президенти Халима Якуб ва унинг турмуш ўртоғи Муҳаммад Абдулла Тошкент шаҳридаги Ҳазрати Имом мажмуасини зиёрат қилди.

Олий мартабали меҳмон пойтахтимидаги “Наврўз” боғига ҳам ташриф буюрди.

Халқимиз маданияти, миллий кадрларини чуқур ифода этган маскан — 2,5 гектар майдондаги этнографик шаҳарчага айлантирилган худуд ҳақида Президент Халима Якубга сўзлаб берилди. Ўз навбатида, Сингапур раҳбари бу ерда амалга оширилган ўзига хос бунёдкорлик ишларига юқори баҳо берди.

Сингапур Президентини Халима Якубнинг мамлакатимизга давлат ташрифи давом этмоқда.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

## УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИНИНГ БИТИРУВЧИ ЁШЛАРИГА

Қадри фарзандларим!

Аввало, мана шу қувончли айёмда етуқлик шаҳодатномасини қўлга олиб, мустақил ҳаётга қадам қўяётганингиз билан барчангизни чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Сизлар орзқиб кутган 25 май санасида мамлакатимиздаги 10 мингдан зиёд мактабларда “сўнгги кўнгирак”лар янграб, қарийб 392 минг нафар ёшларимиз қадрдон мактаблари, меҳрибон устозлари билан хайрлашмоқда. Айниқса, 12 мингдан ортиқ битирувчиларимиз ўқини олтин, 2 мингдан зиёди кумуш медал билан якунлаётгани байрам шукҳини янада оширмоқда.

Албатта, буларнинг барчаси нафақат сиз, азиз фарзандларимиз, балки биз — ота-оналар, устоз-мураббийлар учун ҳам гоят қувончли ва ҳаяжонли воқеалардир.

Сизларни замонавий таълим олиб, касб-хунар ўрганиб, жамиятимизда муносиб ўрин эгаллашингиз учун янгиланган Конституциямизда белгиланган бекиёс имкониятлар кутмоқда.

Ҳеч шубҳасиз, ўз билим ва истеъдодини Ватанимизга муносиб фарзанд бўлишдек мақсадларга сарфлашга бел боғлаган сиз каби ёшлар — янги Ўзбекистоннинг олтин фонди, бебаҳо хазинасидир. Азиз ўғил-қизларим! Бугунги кунда жонажон

Ватанимиз тараққиётида миллий юксалиш даври бошланмоқда. Айниқса, таълим тизимини ривожлантиришга алоҳида эътибор бераётганимиз сизларга яқин маълум. Хусусан, “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили” деб ном олган 2023 йилда махсус давлат дастурини қабул қилиб, соҳа ривожини янги босқичга кўтариш, ўқитувчи ва мураббийларнинг жамиятдаги ўрни ва обрў-эътиборини ошириш бўйича кўплаб чора-тадбирларни амалга оширмоқдамиз.

Ҳозирги вақтда юртимизда 10 мингдан зиёд давлат умумтаълим мактаблари, Президент, ихтисослаштирилган ва ижод мактаблари билан бирга кўплаб нодавлат, давлат-хусусий шериклик шаклидаги мактаблар фаолият юритмоқда.

Биргина ўтган йили 3,2 триллион сўм маблағ ҳисобидан 807 та мактабда қурилиш ва таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Бу йил эса ўрта таълим масканларига 40 минг дона замонавий компьютерлар, 442 та комплект робототехника жиҳозлари ва бошқа зарур ашёлар етказиб берилди.

“Баркамол авлод” болалар мактаблари, болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида кенг қўламли маънавий-маърифий тадбирлар амалга оширилмоқда, ёшларимиз ўртасида китобхонликни кучайтириш,

уларни адабиёт, санъат ва спорт тўғраликларига фаол жалб этиш бўйича изчил иш олиб борилмоқда.

Ана шундай ишларимизнинг самараси сифатида юртимиз ўқувчилари жорий йилда минтақавий ва халқаро фан олимпиадаларда 2 та олтин, 15 та кумуш, 27 та бронза медалларини қўлга киритгани, 6 нафар истеъдодли қизимиз Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлгани барчамизни хурсанд қилади.

Шунингдек, ўқувчиларни мактаб давридаёқ касбга эга бўлишлари учун 11-синфинг ҳаётига йўлланма берувчи синф деб белгилаб, ёшларга камидо иккита чет тили қилган тадбиркорларни жалб қилган ҳолда битта замонавий касб ўргатиш тизими жорий қилинмоқда.

Ҳурматли битирувчилар! Кейинги пайтда Ўзбекистон униб-ўсиб келаётган сиздек азаму шижоатли ёшларимиз учун улкан имкониятлар мамлакатига айланиб бормоқда. Юртимиздаги 210 та олийгоҳ, 330 та касб-хунар мактаби, қарийб 400 га яқин коллеж ва техникумлар сизларга ўзингиз танлаган соҳалар бўйича етуқ кадр ва малакали мутахассис бўлиш учун имконият майдони бўлиб хизмат қилади.

Талабаларнинг ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда

ўқиб, олий маълумот олишини таъминлаш мақсадида 154 та олийгоҳда сиртки, 15 та олийгоҳда эса масофавий таълим шакли фаолият кўрсатмоқда.

Шу билан бирга, давр талабидан келиб чиқиб, ёшларни замонавий касбларга ўргатидиган мономарказлар, IT-ва технопарклар бунёд этилиши уларнинг ўз бизнеслари билан шуғулланишига хизмат қилмоқда.

Сизларнинг жамиятда муносиб ўрнингизни эгаллашингиз учун жойлардаги ҳокимликлар, сектор раҳбарлари, маҳалла жамоатчилиги ҳам яқин кўмакчи ва маслаҳатчи бўлади. Бундай эзгу мақсад йўлида уларнинг эшикларини доимо сизлар учун очиқдир.

Ишончим комилки, сизлар яратилган ушбу имкониятлардан фойдаланган ҳолда келгусида юртимиздаги замонавий ишлаб чиқариш корхоналари, катта-катта фирма ва компаниялар, давлат ва нодавлат ташкилотларида меҳнат қилиб, ўз билим ва малакангиз билан мамлакатимиз равнақига муносиб ҳисса қўшасиз.

Бугун мактабни тугатиб чиқаётган йигит-қизларимизнинг ҳар бири эл-юртимизнинг меҳри ва эътиборида бўлишини яна бир бор таъкидлаб айтмоқчиман.

Сиз, азиз фарзандларимизни келажақда янада улкан ва

масъулиятли марралар кутмоқда. Ҳар бирингиз ҳаёда муносиб ўрнингизни топшингиз учун биз бундан кейин ҳам бор куч ва имкониятларни тўлиқ ишга солашим.

Мен сиз, азиз фарзандларимдан бир нарсани сўрайман: тинимсиз ўқиб, изланиб, замонавий билимларни эгаллашдан асло тўхтаманг! Доимо вақтнинг қадрига етиб, мунтазам билим ва тажрибангизни ошириб борсангиз, қатъий белгилаб олган режа ва мақсадларингиз сари дадил ҳаракат қилсангиз, албатта, келгусида катта муваффақиятларга эришасиз.

Сизларнинг доимо маррани банд олиб, ягона куч бўлиб ҳаракат қилишингизга ишонаман. Сизлар бунга, албатта, қодирсиз.

Ана шундай шарафли ва масъулиятли йўлда барчангизга улкан ютуқ ва муваффақиятлар, шахсий ҳаётингизда бахт ва омад тилайман.

Сизларни мактаб таълимини муваффақиятли тамомлаганингиз билан яна бир бор самимий табриқлайман.

Мустақил ҳаётдаги қадамларингиз кутлуг ва баракали бўлсин, азиз ўғил-қизларим!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

## Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

### Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2022 йил 25 октябрда қабул қилинган  
Сенат томонидан 2022 йил 27 декабрда маъқулланган

1-боб. Умумий қоидалар

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади ва қўлланилиш соҳаси

Ушбу Қонуннинг мақсади алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат. Ушбу Қонун фуқароларнинг, энг аввало, йигирма бир ёшга тўлмаган шахсларнинг соғлигини алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишнинг зарарли таъсиридан, бу билан боғлиқ ижтимоий ва бошқа салбий оқибатлардан ҳимоя қилишга, шунингдек жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш ҳамда қарор топтириш учун ташкилий ва ҳуқуқий шарт-шароитларни яратишга қаратилгандир.

Ушбу Қонуннинг амал қилиши:

алкоголь ва тамаки маҳсулотларини, тамакинни ҳамда никотинини истеъмол қилиш мосламаларини жисмоний шахслар томонидан тадбиркорлик мақсадларда ишлатиш ниятисиз ўз эътиёжлари учун олиб киришга; алкоголь ва тамаки маҳсулотларини, тамакинни ҳамда никотинини истеъмол қилиш мосламаларини кўргазмавий намуналар ва синовлар учун намуналар сифатида юридик шахслар томонидан олиб киришга; экспортга реализация қилиш учун мўлжалланган ёки Ўзбекистон Республикасининг худуди орқали транзит тарзида ўтадиган алкоголь ва тамаки маҳсулотларига, тамакинни ҳамда никотинини истеъмол қилиш мосламаларига нисбатан таъбиқ этилмайди.

(Давоми 2, 3, 4-бетларда) >>>

## Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

# Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида

(Давоми. Бошланishi 1-бетда).

### 2-модда. Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисидаги қонунчилик

Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисидаги қонунчилик ушбу Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисидаги қонунчилигида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқро шартнома қоидалари қўлланилади.

### 3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қўйидаги асосий тушунчалар қўлланилади: **алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг, тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларининг айланishi** – алкоголь ва тамаки маҳсулотларини, тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларини олиб кириш (импорт қилиш), олиб чиқиш (экспорт қилиш), ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сақлаш, ташиш, реализация қилиш;

**алкоголь ва тамаки маҳсулотлари, тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларининг улгуржи савдоси** – алкоголь ва тамаки маҳсулотларини, тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларини ушбу маҳсулотлардан тижорат мақсадларида фойдаланиш ҳуқуқисиз истеъмолчиға реализация қилиш;

**алкоголь маҳсулотлари** – озик-овқат хомашёсидан олинган этил спиртидан ва (ёки) таркибида спирт бўлган озик-овқат маҳсулотидан фойдаланган ёки фойдаланишда ҳолда ишлаб чиқарилган, таркибида этил спиртининг ҳажмий улуши бир ярим фоиздан юқори бўлган озик-овқат маҳсулоти;

**алкоголга қарамлик** – алкоголь маҳсулотиға патологик руҳу қўйиш, алкоғолдан сурункали захарланишининг психосоматик (руҳий ва жисмоний) ҳамда иктимойи оқибатлари билан тавсифланадиган сурункали кўнайиб борувчи касаллик (сурункали алкоғолизм);

**атрофдаги тамаки тутуни** – тамаки маҳсулоти чекилаётган ёки олдинроқ чекилган жойининг атмосфера ҳавосидаги таркибида никотин мавжуд бўлган аэрозоль (буғ, тутун);

**жамоат жойларида алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг истеъмол қилинишини, тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларида фойдаланишни чеклаш бўйича чора-тадбирларнинг амалға оширилишини таъминлаш учун масъул бўлган шахслар** – тасарруфда (мулкида, эғалигида, фойдаланишида) жамоат жойларида жойлашган ҳудудлар, бинолар (хоналар), иншоотлар ва бошқа объектлар, шунингдек жамоат транспорти бўлган жисмоний шахслар ва (ёки) корхоналар, муассасалар, ташкилотлар;

**кўчма савдо** – товарларнинг стационар савдо объектларидан ташқарида, шу жумладан кўчма савдо объектларидан (дўкнчалардан, пештахталардан, чодирлардан, автодўкнчалардан ва бошқалардан) фойдаланган ҳолдаги чакана савдоси;

**никотин** – тамакининг барглари ва поялари таркибида мавжуд бўлган ёки синтез йўли билан олинган алкалоид;

**никотин этказиб беришининг электрон тизимлари** – электр токи (аккумулятор) ёрдамида никотинли ёки никотинсиз суюқликни (картрижларда, резервуарларда ва бошқа контейнерларда) қиздирадиган ҳамда истеъмолчи томонидан нафас орқали ютиладиган аэрозоль (буғ, тутун) ҳосил қиладиган, кўп марта ишлатиладиган мосламалар (бундан тиббий асдоб-ускуналар ва тиббий буюмлар мустасно);

**никотинли снос** – сўриш (шимиш) учун мўлжалланган, ўсимлик хомашёсидан ва никотиндан ёки унинг ҳосилаларидан, жумладан никотин тузаларидан (бундан тамаки барги ва (ёки) тамаки ўсимлигининг бошқа қисми, шу жумладан тозаланган тамаки чанги ва (ёки) кесилган тамаки баргининг майда зарралари мустасно) тайёрланган, чекилмайдиган, таркибида никотин мавжуд бўлган, бошқа ингредиентлар қўшилган ёки қўшилмаган маҳсулот тури;

**никотинли суюқлик** – таркибида никотин микдори 0,1 мг/мл ҳажмдан кам бўлмаган, тамакини ва никотинни истеъмол қилиш мосламаларида фойдаланиш учун мўлжалланган ҳар қандай суюқлик;

**никотинсиз суюқлик** – таркибида никотин бўлмаган ёки таркибида никотин микдори 0,1 мг/мл ҳажмдан кам бўлган, тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларида фойдаланиш учун мўлжалланган суюқлик;

**новсий** – шимиш учун мўлжалланган ҳамда тамакидан ва тамакисиз хомашёдан (ишқордан, оҳаддан, бўрдан) тайёрланган чекилмайдиган тамаки маҳсулотининг тури;

**тамаки** – тамаки маҳсулотини ишлаб чиқариш учун хомашё олиш мақсадида етиштириладиган, Nicotiana Tabacum ва Nicotiana Rustica турларига тегишли итузумдошлар оиласига мансуб бўлган Nicotiana навидиға ўсимлик;

**тамаки маҳсулотларининг блоқи** – тамаки маҳсулотларининг муайян микдордаги истеъмол ўроларини (кутилларини) ўз ичига олган гуруҳли истеъмол идиши бирлиги;

**тамаки маҳсулотининг ва тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламасининг истеъмол ўрови (кутиси)** – тамаки маҳсулотини ва (ёки) тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламасини бевосити жойлаш ва уни охириги истеъмолчиға реализация қилиш учун мўлжалланган, транспортда ташиш ва сақлашнинг тайёрловчи томонидан белгиланган шартларига рияэ этилганда қафолат мuddати ичнда уларнинг истеъмол хоссалари сақланишини таъминлайдиган ўров;

**тамакиға (никотинға) қарамлик (бундан бўён матнда никотинға қарамлик деб юритилади)** – тамаки маҳсулотиға (таркибида никотин мавжуд бўлган маҳсулотта) патологик руҳу қўйиш, никотиндан сурункали захарланишининг психосоматик (руҳий ва жисмоний) оқибатлари билан тавсифланадиган сурункали кўнайиб борувчи касаллик;

**тамакили снос** – тўлик ёки қисман тамаки барги ва (ёки) тамаки ўсимлигининг бошқа қисмидан, шу жумладан тозаланган тамаки чанги ва (ёки) кесилган тамакининг майда зарраларидан ингредиентлар қўшилган ёки қўшилмаган ҳолда тайёрланган, сўриш (шимиш) учун мўлжалланган чекилмайдиган тамаки маҳсулотининг тури;

**тамакини қиздириш тизими** – қиздириладиган тамаки маҳсулотларини чекиш учун мўлжалланган ҳамда истеъмолчи томонидан нафас орқали ютилиши мақсадида никотинли аэрозоль (буғ, тутун) ҳосил қиладиган электрон мослама, шу жумладан алоҳида ёки бирга сотилишидан қатъи назар, бундай мослама билан бирга фойдаланиш учун тайёрланган ҳар қандай буюм ёки қисм;

**тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламалари** – таркибида никотин бўлган ёки никотин бўлмаган истеъмолчи томонидан нафас орқали ютиладиган аэрозолни (буғни, тутунни) олиш учун фойдаланиладиган электрон ёки бошқа асдоблар (мосламалар), шу жумладан никотин этказиб беришининг электрон тизимлари, тамакини қиздириш тизимлари, чилимлар, трубкалар, муштуклар, шунингдек уларнинг таркибий қисмлари ва элементлари (бундан тиббий асдоб-ускуналар ва тиббий буюмлар мустасно);

**таркибида никотин мавжуд бўлган маҳсулотлар** – чекиш, шимиш, чайнаш, ҳидлаш ёки бошқача усулларда, шу жумладан тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларини ёрдамида истеъмол қилиш учун фойдаланишға тайёрланган, таркибида никотин ёки унинг ҳосилалари, шу жумладан никотин тузалари, эритмалари бўлган маҳсулотлар, никотинли суюқликлик ёки таркибида никотин мавжуд бўлган геллар (бундан қонунчиликка мувофиқ рўйхатдан ўтказилган дорн воститлари ва таркибида никотин табиий ҳолда мавжуд бўлган озик-овқат маҳсулотлари мустасно);

**тиббий оғохантириш** – алкоголь маҳсулотининг идиши ёрлмиға ёки тамаки маҳсулотининг ҳамда тамаки ва никотинни истеъмол қилиш мосламасининг истеъмол ўровиға (кутисиға) жойлаштириладиган алкоголь ёки тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишининг инсон соғлигиға салбий таъсири тўғрисидаги ахборот; **чекилмайдиган тамаки маҳсулоти** – шимиш, чайнаш ёки ҳидлаш учун мўлжалланган тамаки маҳсулоти;

**чилим** – тамакининг, шунингдек таркибида тамаки мавжуд бўлмаган маҳсулотларнинг тутташи ва (ёки) қиздирилиши натижасида ҳосил бўладиган аэрозолни (буғни, тутунни) нафас орқали ютиш учун фойдаланиладиган мослама бўлиб, унда аэрозол (буғ, тутун) суюқлик солинган идиш (чилим сувдони) орқали ўтади; **қиздириладиган тамаки маҳсулоти** – чекиладиган тамаки маҳсулотининг ингредиентлар қўшилган ёки қўшилмаган тамакидан (тамаки аралашмасидан) иборат бўлган, тамакини қиздириш тизимларида фойдаланиш учун мўлжалланган тури;

**электрон сигарета** – электр токи (аккумулятор) ёрдамида мосламадаги никотинли ёки никотинсиз суюқликни қиздирадиган ва истеъмолчи томонидан нафас орқали ютиладиган аэрозоль (буғ, тутун) ҳосил қиладиган, бир марта ишлатиладиган мослама.

### 4-модда. Тамаки маҳсулоти

Чекиш, шу жумладан тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларидан фойдаланган ҳолда чекиш учун, шунингдек шимиш,

чайнаш, ҳидлаш ёки бошқача усулларда истеъмол қилиш учун хомашё сифатида тўлиқ ёки қисман тамаки баргидан ва (ёки) тамаки ўсимлигининг бошқа қисмларидан тайёрланган маҳсулотлар (бундан қонунчиликка мувофиқ рўйхатдан ўтказилган дорн воститлари мустасно) тамаки маҳсулотларида.

Кўйидагилар тамаки маҳсулотлари жумласига киради: таркибида хомашё сифатидаги тамаки барги ва (ёки) тамаки ўсимлигининг бошқа қисмлари мавжуд бўлган маҳсулот. Чекиладиган маҳсулотлар (папиролсар, сигаралар, сигареталар, сигарилларар (сигариталар), қиздириладиган тамаки маҳсулотлари, чилим учун тамаки, ингичка қирқилган, чекиладиган тамаки, трубка учун тамаки) ва чекилмайдиган маҳсулотлар (новсий, тамакили снос, ҳидланадиган тамаки, чайналадиган тамаки) шундай маҳсулот бўлиши мумкин;

таркибида никотин ёки никотиннинг ҳосилалари, шу жумладан никотин тузалари, эритмалари, никотинли суюқликлар ёки таркибида никотинли геллар мавжуд бўлган, лекин тамаки барги ва (ёки) тамаки ўсимлигининг бошқа қисмлари мавжуд бўлмаган маҳсулот. Чекиладиган маҳсулотлар (никотин этказиб беришининг электрон тизимлари учун никотинли суюқликлар, никотин суюқлиги бўлган электрон сигареталар, чилим учун никотинли аралашмалар) ва чекилмайдиган маҳсулотлар (никотинли снос) шундай маҳсулот бўлиши мумкин;

таркибида тамаки ва никотин мавжуд бўлмаган, лекин тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламалари билан бирга фойдаланиш учун мўлжалланган маҳсулот (никотин этказиб беришининг электрон тизимлари учун никотинсиз суюқликлар, никотинсиз суюқлиги бўлган электрон сигареталар, чилим учун никотинсиз қоришмалар).

### 2-боб. Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш соҳасидаги муносабатларни тартибға солиш

### 5-модда. Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари

Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

фуқароларнинг ҳаётини ва соғлигини сақлашға, уларни алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг, атрофдаги тамаки тутунининг салбий таъсиридан ҳимоя қилишға қаратилган комплекс ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий ҳамда бошқа чора-тадбирларни амалға ошириш;

фуқаролар соғлигини сақлашининг алкоголь ва тамаки маҳсулотларини, тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларини тижорат мақсадларида ишлаб чиқараётган, импорт ва реализация қилаётган шахсларнинг манфаатларидан устуворлигини таъминлаш;

фуқароларни маънавий-ахлоқий тарбиялашға, аҳоли, аввало, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишға, уларнинг соғлигиға алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш билан боғлиқ хавф-хатарларнинг олдини олишға ва уларни камайтиришға қаратилган профилактика, маърифий фаолиятни ташкил этиш ҳамда амалға ошириш;

алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг, тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларининг айланishi соҳасидаги давлат назоратини таъминлаш, шунингдек алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш соҳасидаги давлат дастурларини амалға ошириш; алкоғолға ёки никотинға қарамликдан азият чекаётган шахсларға тиббий-санитария ёрдамини кўрсатишининг самарали тизимини яратиш;

алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишининг салбий таъсири профилактикаси, шунингдек алкоғолға ёки никотинға қарамлик диагностикаси ва уни доволлаш соҳасидаги илмий тадқиқотларни ривожлантириш;

жамиятда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишда ҳамда алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш соҳасидаги ягона давлат сиёсатини рўёбға чиқаришға қаратилган профилактика, маърифий тадбирларни амалға оширишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг кенг иштирок этиши учун ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиш.

### 6-модда. Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш соҳасидаги давлат қафолатлари

Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш, уларнинг салбий таъсиридни профилактика қилиш мақсадида давлат:

алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг таркибига, ўровига ва тамгаланишиға оид талабларни белгилайди ҳамда уларға рияэ этилишини таъминлайди;

Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудиға олиб кириладиган алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг инсон ҳаёти ва соғлиги учун хавфсизлигини баҳолаш қоидалари ҳамда тартиб-тоамилларини белгилайди, шунингдек уларға рияэ этилишини таъминлайди;

алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг ишлаб чиқарилиши ва реализация қилинишини тартибға солади, шунингдек таркибида инсон ҳаёти ва соғлиги учун зарарли бўлган моддалар микдори йўл қўйиладиган энг юқори даражалардан ошадиган алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг импорт қилинишиға тақиқ ўрнатади;

жамоат жойларида алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг истеъмол қилинишиға, шунингдек тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларидадан фойдаланилишиға тақиқ ўрнатади;

алкоголь ва тамаки маҳсулотларини, тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларини йиғирма бир ёшға тўлмаган шахсларға реализация қилишға ва ушбу шахслар томонидан реализация қилинишиға, шунингдек алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш жараёниға уларни жалб этишға тақиқ ўрнатади;

қонунчилик талабларига мувофиқ алкоғолға ёки никотинға қарамликни доволлаш қаратилган тиббий-санитария ёрдами кўрсатилишини таъминлайди;

аҳолини алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишининг зарари, атрофдаги тамаки тутунининг салбий таъсири тўғрисида хабардор қилишға ва хабардорлигини оширишға қаратилган тадбирлар мажмуини амалға оширади;

алкоголь ва тамаки маҳсулотларига бўлган талабни камайтиришға қаратилган нархға ва солиққа оид чораларни кўради; алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг, тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларининг қонунға хилоф равишда айланшининг олдини олиш чораларини кўради.

### 7-модда. Алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишининг салбий таъсири профилактикаси

Фуқароларнинг, энг аввало, йиғирма бир ёшға тўлмаган шахсларнинг соғлигиға, уларнинг жисмоний, маънавий ривожланишиға, жамиятнинг маънавий-ахлоқий негизларига бўлган таҳдидларнинг ҳамда алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш, атрофдаги тамаки тутуни таъсири билан боғлиқ бўлган бошқа таҳдидларнинг олдини олишға ҳамда уларни камайтиришға қаратилган чора-тадбирлар мажмуи алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишининг салбий таъсири профилактикаси жумласига киради.

Давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, таълим ташкилотлари ўз ваколатлари доирасида алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишининг салбий таъсиридни профилактика қилиш, жамоатчилик онгида алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишға нисбатан салбий муносабатни шакллантириш бўйича комплекс иктимойи ва ташкилий-ҳуқуқий чораларни амалға оширади.

### 8-модда. Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш бўйича фаолиятни амалға оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи органлар

Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш бўйича фаолиятни амалға оширувчи органлар қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси; Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирилиги; Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирилиги; алкоголь ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқаришни тартибға солиш соҳасидаги ваколатли давлат органи (бундан бўён матнда Ваколатли давлат органи деб юритилади);

солиқ органлари; божхона органлари; истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ваколатли давлат органи;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларға қарши курашиш департаменти;

Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибға солиш агентлиги; маҳаллий давлат ҳокимият органилари.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилмаган давлат органлари ҳамда ташкилотлар алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш бўйича фаолиятда қонунчиликка мувофиқ иштирок этади.

### 9-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш соҳасида ягона давлат сиёсати амалға оширилишини таъминлайди;

алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш соҳасидаги давлат дастурларининг ишлаб чиқилиши, тасдиқланиши ва бажарилишини таъминлайди; ижро этувчи ҳокимият органларининг алкоголь ва тамаки маҳсулотларини тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиради;

алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқаришға доир фаолиятни, шунингдек алкоголь маҳсулотларининг улгуржи савдосиға доир фаолиятни лицензиялаш тартибини белгилайди; алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг, тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларининг улгуржи ва чакана савдоси тартибини белгилайди;

алкоголь ва тамаки маҳсулотларини, тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларини техник жиҳатдан тартибға солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни тасдиқлайди;

алкоголь ва тамаки маҳсулотларини тамгалаш, шу жумладан акциз маркарлари ва рақамли идентификация воститлари билан тамгалаш тартибини белгилайди ва тасдиқлайди, алкоголь ва тамаки маҳсулотларига акциз маркарлари намуналарини тасдиқлайди; алкоголь маҳсулотининг идиши ёрлмиға ёки тамаки маҳсулотининг ҳамда тамакини ва никотинни истеъмол қилиш мосламаларининг истеъмол ўровига (кутисига) жойлаштириладиган тиббий оғохантиришлар намуналарини тасдиқлайди;

алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг, тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларининг айланishi устидан давлат назоратини амалға ошириш тартибини белгилайди, шунингдек бундай назоратни ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалға ошириши мумкин.

### 10-модда. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирилигининг алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирилиги:

алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш соҳасидаги давлат сиёсатини амалға оширишда иштирок этади;

алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишининг зарари тўғрисидаги ахборотни аҳоли, энг аввало, йиғирма бир ёшға тўлмаган шахслар ўртасида тарқатишға доир чораларни амалға оширади;

алкоголь ва тамаки маҳсулотларига, тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларига доир мажбурий талабларни белгилашға таалуқли бўлган техник жиҳатдан тартибға солиш соҳасидаги ишларни ташкил этишда ва уларни бажаришда иштирок этади;

фуқаролар соғлигини алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишининг салбий таъсиридан ҳимоя қилиш билан боғлиқ профилактика ишларини ташкил этиш ва ўтказиш масалалари юзасидан нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади;

алкоғолға ва никотинға қарамликни ташхислаш ҳамда доволлаш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ишлаб чиқариш, уларға тиббиёт ташкилотлари томонидан рияэ этилиши устидан назоратни амалға оширади;

алкоголь ва тамаки маҳсулотлари таркибидаги инсон ҳаёти ҳамда соғлиги учун зарарли бўлган моддалар микдорининг йўл қўйиладиган энг юқори даражаларини белгилайди;

алкоголь маҳсулоти идишининг ёрлмиға ёки тамаки маҳсулотининг ҳамда тамакини ва никотинни истеъмол қилиш мосламаларининг истеъмол ўровига (кутисига) жойлаштириладиган тиббий оғохантиришларнинг намуналарини ишлаб чиқади; алкоғолға ёки никотинға қарамликдан азият чекаётган шахсларға тиббий-санитария ёрдами кўрсатилишини таъминлайди, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш билан боғлиқ бўлган сурункали касалликлар ҳамда ўлим ҳолатларининг мониторингини амалға оширади;

фуқаролар, айниқса, йиғирма бир ёшға тўлмаган шахслар ўртасида алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг истеъмол қилинишини камайтириш, маърифий, тиббий-санитария ишларининг таъсирчанлигини ошириш чораларини ҳамда жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтиришға қаратилган бошқа ижтимоий, ташкилий-ҳуқуқий чораларни ўз ичига олувчи самарали профилактика тизимининг яратилишини ва ишланиши таъминлайди; алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклашға қаратилган тадбирларнинг рўёбға чиқарилиши мониторингини ҳамда ушбу тадбирларнинг самарадорлигини баҳолашни амалға оширади;

алкоғолға ёки никотинға қ

Ўзбекистон Республикасининг

ҚОНУНИ

# Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1, 2-бетларда).

алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш соҳасидаги ҳудудий дастурларнинг ишлаб чиқилиши, тасдиқланиши ва бажарилишини таъминлайди; аҳоли, энг аввало, йигирма бир ёшга тўлмаган шахслар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга ҳамда алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишнинг зарари тўғрисидаги билимларни тарқатишга қаратилган профилактика тадбирлари амалга оширилишини таъминлайди; тегишли ҳудудда алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисидаги қонunchилик талабларининг ижро этилишини таъминлайди; фуқароларнинг соғлигини алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишнинг салбий таъсиридан ҳимоя қилиш, жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш масалалари, өзасидан нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорликни таъминлайди; алкогольга ёки никотинга қарам бўлиб қолган шахсларга тиббий-санитария ёрдамини мoliевий, моддий-техник, ташкилий жиҳатдан таъминлаш масалаларини ҳал этади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қонunchиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**19-модда. Нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳамда фуқаролик жамияти бошқа институтларининг алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш бўйича тадбирларда иштирок этиши**

Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ўз ваколатлари доирасида: алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш соҳасидаги давлат дастурларининг, ҳудудий ва бошқа дастурларнинг бажарилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади; аҳоли, энг аввало, йигирма бир ёшга тўлмаган шахслар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга ҳамда алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишнинг зарари тўғрисидаги билимларни тарқатишга қаратилган профилактика тадбирларини амалга оширади.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари қонunchиликка мувофиқ бошқа тадбирларда ҳам иштирок этиши мумкин.

**20-модда. Фуқароларнинг алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этиши**

Фуқаролар: алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш соҳасидаги давлат дастурларининг, ҳудудий ва бошқа дастурларнинг бажарилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади; алкогольсиз ва тамакисиз муҳитни, атрофдаги тамаки тутуни таъсиридан ҳамда алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш оқибатларидан фуқароларнинг соғлиғи сақланишини таъминлаш юзасидан давлат органларига ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларига тақлифлар киритади; алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисидаги қонunchиликнинг бошқа шахслар томонидан бузилиши натижасида ўз соғлиғига etkazилган зарарининг ўрнини қоплаш талаби билан муурожаат қилади; алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш соҳасидаги дастурларни ишлаб чиқишда ва амалга оширишда иштирок этади.

Фуқароларга зарарининг: атрофдаги тамаки тутунидан ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш чоғида ажралиб чиқадиган моддалардан ҳоли бўлган қулай ҳаёт фаолияти муҳитига; алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисидаги қонunchиликнинг бошқа шахслар томонидан бузилиши оқибатида ўз ҳаётига, соғлиғига ёки мол-мулкига etkazилган зарарининг ўрни қопланишига бўлган ҳуқуқи қафолатланади.

Фуқаролар: алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисидаги қонunchиликка рияоз этиши; болаларда алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишга нисбатан салбий муносабат шаклланиши, шунингдек уларнинг алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш жараёнига жалб этилишига йўл қўйилмаслик тўғрисида қайғуриши; бошқа фуқароларнинг атрофдаги тамаки тутунидан ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш чоғида ажралиб чиқадиган моддалардан ҳоли бўлган қулай ҳаёт фаолияти муҳитига бўлган ҳуқуқларининг бузилишига олиб келадиган ҳаракатларни амалга оширмаслиғи шарт.

**3-боб. Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклашга доир қоралар**

**21-модда. Алкоголь ва тамаки маҳсулотларини, тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларини реализация қилишга доир чекловлар**

Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг, шунингдек тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларининг: йигирма бир ёшга тўлмаган шахсларга; йигирма бир ёшга тўлмаган шахслар томонидан; сотувчининг бевосита иштирокисиз, шу жумладан савдо автоматлари, бошқа электрон ёки механик қуримлардан воситасида; ўзига ўзи хизмат кўрсатиш тоқчаларидан; электрон тижорат шаклида, шу жумладан ҳар қандай йўл билан охириги истеъмолчиларга etkazиш ёрдамида (бундан қўпикланадиган) савдо қилиш йўли билан; кўчмас савдо объектларидан ташқарида; дорихоналарда; болаларга мўлжалланган товарлар реализация қилинадиган хоналарда; болалар ўйинчоқларига, конфетларга ёки болалар учун мўлжалланган бошқа товарларга ўхшатишланган бўлса; соғлиқни сақлаш тизими ташкилотлари, таълим ташкилотлари, маданият муассасалари, жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншоотлари, санаторий ҳамда тиббий-ижтимоий муассасалар ҳудудларида;

таълим, спорт ва диний ташкилотлар ҳудудидан тўғри чиқиб бўйлаб оз метрдан кам масофада жойлашган савдо объектларида, бундан савдо объекти умумий савдо майдони минг квадрат метрдан ортқ бўлган савдо мажмуаларининг (бозорларнинг) ҳудудида ва ярмарка павильонларида жойлашган ҳоллар мустасно;

ярқоқлик мuddати ўтганда; махсулот сифатини тасдиқловчи тегишли ҳужжатларсиз; алкоголь ва тамаки маҳсулотларини, тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларини сақлаш ва реализация қилишга доир санитария нормалари ҳамда қондаларига мос келмайдиган хоналар ва жойларда; белгиланган тартибда акциз маркарлари билан тамгаланмаганда – акциз маркарлари билан тамгаланиши лозим бўлган алкоголь ва тамаки маҳсулотларига нисбатан; қалбаки акциз маркарлари билан тамгаланганда; уларнинг ишлаб чиқарувчисини аниқлаш имконини бермайдиган тарзда аниқ тамгаланмаганда; белгиланган тартибда рақамли идентификация воситалари билан тамгаланмаганда; уларни ишлаб чиқариш учун лицензияга эга бўлмаган шахслар томонидан ишлаб чиқарилганда – лицензияланмадиган алкоголь ва тамаки маҳсулотларига нисбатан; алкоголь ва тамаки маҳсулотларини, тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларини реализация қилиш ҳуқуқига эга бўлмаган ёки уларни қонunchиликни бузган ҳолда сотган etkazиб бериувчидан сотиб олинганда; алкоголь маҳсулотининг идиши ёрлиғида ёки тамаки маҳсулотининг ҳамда тамаки ва никотинни истеъмол қилиш мосламаларининг истеъмол ўровида (кутисида) тиббий оғохлантириш бўлмаганда; агар тамаки маҳсулотининг истеъмол ўровида (кутисида) йигирма ноданан кам сигарета бўлса – сигаретларга нисбатан; тамаки маҳсулотли ва тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламалари бўлмаган бошқа товарлар билан бир тўпладма – тамаки маҳсулотига ва тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларига нисбатан; истеъмол ўровисиз (кутисиз, блоксиз) – тамаки маҳсулотига ва тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларига нисбатан;

доналаб ёки очилган (ахлитлиги бузилган) истеъмол ўровида – (кутисида) сигареталар ва қиздириладиган тамаки маҳсулотига нисбатан;

темир йўл вокзалларининг, автовокзалларининг, аэропортларининг, дарё бандаргоҳларининг, метрополитен станцияларининг ҳудудларида ва хоналарида (бундан бож олинмайдиган савдо дуконлари мустасно) – тамаки маҳсулотларига ва тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларига нисбатан; энг кам улғуржи ва чакана нархлардан паст нархларда – алкоголь маҳсулотларига нисбатан (бундан пиво мустасно); тўлиқ полиэтилен, полистирол ва бошқа полимер материалдан тайёрланган истеъмол идишида – алкоголь маҳсулотига нисбатан (бундан пиво мустасно); ёрликсиз, ифлос (ичи ёки ташқариси), яққол синиқ белгилари бўлган (бўғиз синган, ёрилган), тикини бузилган, умумий кўриниши хиралашган, ёт кўшимчалари, чўкмалари бўлган бутилкаларда – алкоголь маҳсулотига нисбатан (бундан коллекция қилинадиган вино маҳсулотлари мустасно); техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мос келмаганда реализация қилиниши тақиқланади.

Алкоголь ва тамаки маҳсулотларини, тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларини реализация қилиниши бевосита амалга ошираётган шахс йигирма бир ёшдан кичик кўринган харидордан унинг шахси ва ёшини тасдиқловчи ҳужжатини кўрсатиши талаб қилиши, ҳўжат мавжуд бўлмаган тақдирда эса алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг, тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларини реализация қилинишини рад этиши шарт.

**22-модда. Алкоголь ва тамаки маҳсулотлари, тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламалари реализация қилинадиган жойлардаги оғохлантиришлар**

Алкоголь ва тамаки маҳсулотлари, тамаки ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламалари реализация қилинадиган жойларда уларни йигирма бир ёшга тўлмаган шахсларга реализация қилиш тақиқланганлиги ҳақидаги оғохлантирувчи ёзув ёки белги, шунингдек тиббий оғохлантириш жойлаштирилган бўлиши керак.

**23-модда. Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг, тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларининг рекламаси**

Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг, тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларининг рекламаси билан боғлиқ муносабатлар ўзбекистон Республикасининг «Реклама тўғрисида»-ги Қонуни билан тартибга солинади.

**24-модда. Жамоат жойларида алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиниши, шунингдек тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларидан фойдаланишни тақиқлаш**

Алкоголь маҳсулотларини иш жойларида, кўчаларда, стадионларда, хиёбонларда, боғларда, барча турдаги жамоат транспортда ва бошқа жамоат жойларида истеъмол қилиш тақиқланади. Мазкур қоида савдо ва хизмат кўрсатиш объектларида, шу жумладан алкоголь маҳсулотларини қўйиб реализация қилиш рухсат берилган умумий овқатланиш корхоналарида, шунингдек тўй, бўйбей ва бошқа тантаналар ҳамда маросимлар ўтказиладиган жойларга татбиқ этилмайди.

Жамоат жойларида, шу жумладан қуйидаги жойларда тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш ва тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларидан фойдаланиш тақиқланади: савдо ва хизмат кўрсатиш объектларида, шу жумладан умумий овқатланиш корхоналарида; кинотеатрларда, театрларда, циркларда, концерт, кўрик ва кўрғазма залларида ҳамда оммавий дам олиш учун мўлжалланган бошқа ёпиқ иншоотларда; клубларда, дискотекаларда, компьютер залларида, Интернет жаҳон аҳборот тармоғидан фойдаланиш хизматларини кўрсатиш ўрни хизматланган хоналарда ёхуд бошқа кўнгилочар (буш вақт ўтказиладиган) жойларда; музейларда, аҳборот-кутубхона муассасаларида ва маърузахоналарда;

маҳаллий ва озоққа катнайидган поездларда, дарё кемаларида, автобусларда, метрополитен вагонларида, таксида, шахар электр транспортда, ҳаво кемаларида, шунингдек жамоат транспортининг бошқа турларида; ер ости ўтиш жойларида, метрополитен станцияларида, транспорт бекатларида ва автотранспорт воситалари вақтинчалик сақланидиган ёпиқ жойларда;

темир йўл вокзаллари, автовокзаллар, аэропортлар, дарё бандаргоҳлари, метрополитен станцияларига кириш жойидан камидя беш метр масофада бўлган оқиқ ҳаводаги жойларда; ёнғин хавфи мавжуд бўлган жойларда, шу жумладан аҳолибиларга ёқили қўйиш шохобчаларида; аэропортларининг, темир йўл ва автомобиль вокзалларининг, дарё бандаргоҳларининг биналарида;

корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва давлат органларининг биналарида, шу жумладан иш жойида, йўлакларда, лифтларда, зинаояларда, вестибюлларда, ҳожатхоналарда, дам олиш хоналарида, уларга туташ хоналарда ва ҳодим томонидан меҳнат фаолияти вақтида фойдаланиладиган шунга ўхшаш бошқа жойларда; соғлиқни сақлаш тизими ташкилотларида, дорихоналарда, таълим ташкилотларида, маданият муассасаларида, жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншоотларида, санаторий муассасаларида; уй-жой хизматлари, меҳмонхона хизматлари, вақтинчалик жойлаштириш ва (ёки) вақтинчалик яшаб туришни таъминлаш хизматлар кўрсатиш учун мўлжалланган хоналарда; кўп квартирли уйларнинг йўлаклари ва лифтларида, шунингдек болалар ва спорт майдончаларида, шу жумладан уйларга туташган ҳудудда жойлашган майдончаларда; хиёбонларда, боғларда, пиязларда.

Ушбу модданнинг иккинчи қисмида санаб ўтилган жамоат жойларида жойлашган хоналарни ушбу хоналарда кейинчалик тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш ва тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларидан фойдаланиш учун бериш тақиқланади.

Ушбу модданнинг иккинчи қисмида санаб ўтилган жамоат жойларида тамаки маҳсулотларини ва тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларини ушбу жойларда кейинчалик истеъмол қилиш (улардан фойдаланиш) учун бериш тақиқланади.

Ушбу модданнинг иккинчи, учинчи ва тўрттинчи қисмларида белгиланган тақиқлар тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш ва тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларидан фойдаланишига оид қисми бўйича – тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш ва чилим чекиш учун махсус ажратилган жойларга нисбатан татбиқ этилмайди.

**25-модда. Тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш ва чилим чекиш учун махсус ажратилган жойларга доир талаблар**

Тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш учун махсус ажратилган жойлар: биналар ва иншоотлардан ташқаридаги оқиқ ҳавода; техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга мос келадиган ва вентиляция тизимлари билан жиҳозланган, ушбу Қонун 24-моддасининг иккинчи қисмида санаб ўтилган жамоат жойларига таалуқли бўлмаган алоҳида ажратилган биналар, иншоотлар ва объектларда ташкил этилиши мумкин; аэропортларда рейсга рўйхатдан ўтган йўловчилар туриши учун мўлжалланган ҳудудларда ҳамда транзит бўйича ўтаётган йўловчилар учун мўлжалланган ҳудудларда ташкил этилган, вентиляция тизимлари билан жиҳозланган ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш жараёнини бошқа хоналардан қузатиш имконияти истисно этиладиган махсус ажратилган алоҳида хоналарда; поездларнинг ишлаш учун мўлжалланмаган тамбурларида; дарё кемалари палубаларининг орқа тарафида ташкил этилиши мумкин. Чилим чекиш учун махсус ажратилган жойлар фақат чилим бериш бўйича хизматлар кўрсатиладиган, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга мувофиқ бўлган ва вентиляция тизимлари билан жиҳозланган алоҳида ажратилган биналар, иншоотлар ва объектларда ташкил этилиши мумкин. Тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш учун махсус ажратилган жойларга тамаки маҳсулотларининг қолдиқлари учун ёнмайдиган ахлатдонлар, шунингдек бундай жойлар қаердалиги ҳақида аҳборот бериучи кўрсаткичлар ўрнатилади. Тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш ва чилим чекиш учун махсус ажратилган жойларда тиббий оғохлантиришлар жойлаштирилган бўлиши керак.

**26-модда. Жамоат жойларида алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилинишини, тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларидан фойдаланиши чеклаш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилишини таъминлаш учун масъул бўлган шахсларнинг мажбуриятлари**

Жамоат жойларида алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг истеъмол қилинишини, тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларидан фойдаланиши чеклаш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилишини таъминлаш учун масъул бўлган шахслар: жамоат жойларида алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисидаги қонunchилик талабларига рияоз этилишини таъминлаши; алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилаётган, тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларидан фойдаланаётган шахсларни ушбу Қонун 24-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган жамоат жойларида улар истеъмол қилинишига (фойдаланилмаслиғига) йўл қўйилмаслиғи ҳақида оғохлантириши, ҳуқуқбузарлик давом эттирилган тақдирда эса ички ишлар органларига хабар бериши; ҳаммага кўринадиган жойларда, шу жумладан биналар (хоналар) ҳудудида кириш жойларига ва бошқа объектларга, шунингдек транспорт воситаларида жамоат жойларида алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилинишига, тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларидан фойдаланишга йўл қўйилмаслиғи ҳақидаги оғохлантирувчи давлаларни (белгиларни) жойлаштириши шарт.

Жамоат жойларида алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг истеъмол қилинишини, тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларидан фойдаланиши чеклаш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилишини таъминлаш учун масъул бўлган шахслар қонunchиликка мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

**27-модда. Аҳолини алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишнинг зарари, шунингдек уларнинг салбий оқибатлари тўғрисида маърифатли қилиш ва хабардор этиш**

Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш соҳасидаги фаолиятни амалга оширувчи органлар, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари аҳолини, энг аввало, йигирма бир ёшга тўлмаган шахсларни алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишнинг зарари тўғрисида маърифатли қилишга доир қораларни амалга оширади, ушбу қоралар: алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишнинг салбий тиббий ва ижтимоий-иктисодий оқибатлари; алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиниши тўхтатишининг афзалликлари; ушбу Қонун мақсадида келиб чиққан ҳолда тамаки саноатининг стратегияси ва ҳаракатлари тўғрисидаги аҳборотни тақдим этишни ўз ичига олади.

Аҳолини алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишнинг зарари ва уларнинг салбий оқибатлари тўғрисида маърифатли қилиш: оилада, таълим ташкилотларида тарбиялаш ва ўқитиш жараёнида, тиббиёт ташкилотларида, шунингдек иш бериувчилар томонидан иш жойларида; оммавий аҳборот воситаларида, телекоммуникациялар тармоқларида, Интернет жаҳон аҳборот тармоғида, шу жумладан алкоголь ва тамаки маҳсулотларини, тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларини намойиш қилган ҳолда аҳборот кампанияларини ўтказиш, «тезор оулка» телефонлари фаолиятини ташкил этиш, шунингдек бошқа асола-қароли амалга оширилади. Алкоголь ва тамаки маҳсулотлари, тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламалари, уларни истеъмол қилиш ва улардан фойдаланиш жараёни намойиш этиладиган теле-, кино- ва видеофильмлари, теле-, видео- ва кинохроника дастурларини узатувчи ёки намойиш қилувчи ташкилотлар бундай асарларни узатиш ва намойиш қилишдан олдин ёки уларни узатиш ва намойиш қилиш вақтида ушбу маҳсулотларни истеъмол қилиш ва мосламалардан фойдаланиш хавфи тўғрисидаги аҳборотни жойлаштириши керак.

Давлат органлари алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ҳамда реализация қилишни амалга оширувчи шахслар билан ушбу Қонуннинг тартибга солиш предмети бўлган масалалар юзасидан ўз ҳамкорлиги тўғрисида жамоатчиликни мажбурий тартибда хабардор қилади.

**28-модда. Алкоголга ёки никотинга қарам бўлиб қолган шахсларга тиббий-санитария ёрдами кўрсатиш**

Алкоголга ёки никотинга қарам бўлиб қолган ҳамда тиббиёт ташкилотларига муурожаат этган шахсларга алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиниши тўхтатишга, алкогольга ёки никотинга қарамликни даволашга қаратилган тиббий-санитария ёрдами, шунингдек уларни реабилитация қилиш юзасидан ёрдам кўрсатилади.

**4-боб. Алкоголь маҳсулотларининг айлинишини тартибга солиш**

**29-модда. Алкоголь маҳсулотларини ишлаб чиқариш**

Алкоголь маҳсулотларини (бундан табиий винолар ва пиво мустасно) ишлаб чиқаришга доир фаолият ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган юридик шахслар томонидан тегишли лицензия асосида амалга оширилади. Алкоголь маҳсулотларини чет элда ишлаб чиқарилган озиқ-овқат ҳомашёсидан ректификация қилиб олинган этил спиритидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариш тақиқланади. Пиво ишлаб чиқаришга доир фаолият Ваколатли давлат органига мазкур фаолият бошланиши тўғрисида хабарнома юбориш йўли билан амалга оширилади. Алкоголь маҳсулотларини ишлаб чиқариш тартиби, шунингдек алкоголь маҳсулотлари таркибидаги инсон ҳаёти ва соғлиғи учун зарарли бўлган моддаларнинг йўл қўйилмадиган энг юқори даражалари техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар билан тартибга солинади.

**30-модда. Алкоголь маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларнинг мажбуриятлари**

Алкоголь маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар: ишлаб чиқарилган алкоголь маҳсулотларининг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар кўрсаткичлари ва талабларига мувофиқлигини; алкоголь маҳсулотларининг ҳар бир тури бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган технология йўриқномаларининг мавжудлигини; зарур ускуналар, асбоблар, кимёвий реактивлар ва синов ускуналарини белгилаб бериучи техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар билан таъминланган, кўрсаткичларнинг барча зарур физик-кимёвий, микробиологик ва бошқа тахлилларини ўтказиш имконини берадиган ишлаб чиқариш лабораторияларининг мавжудлигини; алкоголь маҳсулотларини асосий ишлаб чиқариш ускуналарини ҳамда унинг муқдорларини Ваколатли давлат органида мажбурий рўйхатдан ўтказиш; истеъмол этил спиритининг ва алкоголь маҳсулотининг органолептик хоссаларини аниқлаш бўйича дегустация комиссиясига ишлаб чиқарилаётган махсулот намуналарининг ишлаб чиқарилаётган махсулот техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлиги юзасидан текшириш учун қонunchиликда белгиланган мuddатларда тақдим этилишини; алкоголь маҳсулотларини рақамли тамгалаш ва қузатишининг аҳборот тизимлари, алкоголь маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмларини ҳамда айлинишини ҳисобга олишнинг аҳборот тизимлари жорий этилишини ва улардан фойдаланилишини; алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш бўйича фаолиятни амалга оширувчи органларнинг сўровларига бинозан ишлаб чиқарилган ва реализация қилинган алкоголь маҳсулотлари ҳажмлари, шунингдек уларни сотишдан тушган даромад микдори ҳақида аҳборот тақдим этилишини; солиқ органларининг аҳборот тизимига интеграция қилинган электрон ҳисоббарак-фактуралардан фойдаланилишини; мавжуд йиллик ишлаб чиқариш кувалларидан қонunchиликда белгиланган ҳажмларда фойдаланилишини; барча алкоголь маҳсулотларини қўйиш линияларида йнғма ҳисобга олиш маълумотлари кўрсаткичларини ҳимоялаш воситасига

эга бўлган тайёр маҳсулотларни электрон ҳисоблагичларнинг мавжуд бўлишини; ишлаб чиқариш кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотларни алкоголь маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш бўйича фаолиятни амалга оширувчи органларга автоматлаштирилган тарзда узатилишини таъминлайдиган ўлчов асбоблари ўрнатилишини; алкоголь маҳсулотларининг акциз маркарлари ва рақамли идентификация воситалари билан белгиланган тартибда тамгаланишини таъминлаши шарт. Алкоголь маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар қонunchиликка мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

**31-модда. Алкоголь маҳсулотларининг ўралишига ва тамгаланишига доир талаблар**

Алкоголь маҳсулотларининг ўралишига ва тамгаланишига доир талаблар техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларда белгиланади. Алкоголь маҳсулотларининг ўрови уларнинг муомаласи жараёнида хавфсизлигини ва алкоголь маҳсулотларининг бутун яроқлилик мuddати мобайнида (виночилик маҳсулотлари учун – ишлаб чиқарувчи томонидан белгиланадиган сақлаш мuddати мобайнида) истеъмол хоссалари сақланишини таъминлаши керак. Алкоголь маҳсулотларининг тамғаси ҳар битта ўровнинг ўқиш учун қулай жойига (ёрлиғига, қонтрёлрига, қолвереткасига ва бошқа жойларига) босилади. Алкоголь маҳсулотларининг (бундан табиий ва қўпикланадиган винолар мустасно) истеъмол идишида ёрлиқ асосий юзасининг камида қирқ фоизини эгаллайдиган матли ёзув ва (ёки) расм тарзидаги тиббий оғохлантириш бўлиши керак. Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган ва унинг ҳудудида олиб қириладиган алкоголь маҳсулотлари (бундан пиво, табиий ва қўпикланадиган вино мустасно) белгиланган намунадаги акциз маркарлари билан тамгаланиши шарт.

**3**

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида

(Давоми. Бошланчи 1, 2, 3-бетларда).

алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш бўйича фаолиятни амалга оширувчи органларнинг сўровларига кўра ишлаб чиқарилган ва реализация қилинган тамаки маҳсулотлари ҳажмлари, шунингдек уни сотишдан тушган даромад миқдори ҳақида ахборот тақдим этилишини; солиқ органларининг ахборот тизимига интеграция қилинган электрон ҳисобварак-фактуралардан фойдаланилишини; ишлаб чиқариш кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотларни тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш бўйича фаолиятни амалга оширувчи органларга автоматлаштирилган тарзда узатилишини таъминлайдиган ўлчов асбоблари ўрнатилишини; тамаки маҳсулотларининг белгиланган тартибда акциз марказлари ва рақамли идентификация воситалари билан тамгаланишини таъминлаш шарт.

Тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

36-модда. Тамаки маҳсулотларининг, тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларининг ўралишига ва тамгаланишига доир талаблар

Тамаки маҳсулотларининг ўралишига (кутиси) ҳамда тамгаланишига доир талаблар техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларда белгиланади.

Тамаки маҳсулотларининг истеъмол ўрови (кутиси) бутун кафолатли сақлиниш мuddати мобайнида тамаки маҳсулотларининг истеъмол хоссалари ўзгармаслигини ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини таъминлаши керак.

Тамаки маҳсулотларининг истеъмол ўровида (кутисида) унинг олд томонининг юқори қисмидаги асосий юзасининг камида олтимиш беш фоизини ҳамда орқа томони асосий юзасининг камида олтимиш беш фоизини эгаллайдиган, тамаки маҳсулотини истеъмол қилиш тўғрисида юзага келган касаллик оқибатларини кўрсатувчи тасвир ва тегишли мазмундаги матн тарзида тиббий оғохлантириш бўлиши керак.

Тамаки маҳсулотларининг блокида тамаки маҳсулоти блоқи горизонтал жойлаштирилганда чап қисмида олд ва орқа томонида ҳамда вертикал жойлаштирилганда юқори қисмида асосий юзанинг камида олтимиш беш фоизини эгаллайдиган, тамаки маҳсулотини истеъмол қилиш тўғрисида юзага келган касаллик оқибатларини кўрсатувчи тасвир ва тегишли мазмундаги тиббий оғохлантириш бўлиши керак.

Ушбу модданинг тўртинчи қисмида белгиланган талаб шаффоф полиэтилен плёнкадан тайёрланган тамаки маҳсулотларининг блоқларига нисбатан таъбиқ этилмайди.

Тамакини ва никотинни истеъмол қилиш мосламасининг истеъмол ўровида, бундан қилимининг ўрови мустасно, ўров асосий томонлари юзасининг камида олтимиш беш фоизини эгаллайдиган матни ёзув ва (ёки) расм кўринишидаги тиббий оғохлантириш бўлиши керак.

Чилим сувидоғида унинг юзасининг камида олтимиш беш фоизини эгаллайдиган, тамаки маҳсулотини истеъмол қилиш тўғрисида юзага келган касаллик оқибатларини кўрсатувчи тасвир ва тегишли мазмундаги матн тарзида тиббий оғохлантириш бўлиши керак.

Тамаки маҳсулотларининг ва тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларининг истеъмол ўровида (кутисида): мазкур маҳсулот бошқа тамаки маҳсулотларидан зарарсизроқ эканлиги ҳақида бевосита ёки билвосита тасаввур ҳосил қиладиган ҳар қандай атамалари, таърифлари, белгилари, рамзларни ёки бошқа ишораларни; бевосита ёки билвосита тамаки маҳсулотларининг жозибadorлигини оширувчи тасв, хид, хушбўй хид берувчи қўшимчалар ва бошқа моддалар борлигини ёхуд уларнинг мавжуд эмаслигини кўрсатувчи ҳар қандай атамалари, таърифлари, белгилари, рамзларни ёки бошқа ишораларни;

озик-овқат маҳсулотларининг, дори воситаларининг, доривор ўсимликларнинг тасвирларини, шунингдек тамаки маҳсулотининг озик-овқат маҳсулоти, дори воситаси ёки доривор ўсимлик билан бевосита ёки билвосита ўзаро боғлиқлиги ҳақида тасаввур ҳосил қиладиган сўзларни ёки сўз бирикмаларини;

тамаки маҳсулотларининг қанча тез биологик парчаланиши ёки атроф табиий муҳитга бошқача тарзда мақбул тасвир кўрсатиши ҳақида бевосита ёки билвосита тасаввур ҳосил қиладиган ахборотни; тамаки маҳсулотларининг рағбатлантирувчи, тетиклаштирувчи, шифобахш, ёшатирувчи ёки бошқа ижобий самарга эга эканлиги ҳақида бевосита ёки билвосита тасаввур ҳосил қиладиган ахборотни; тамаки маҳсулотларининг зарарлиги борасида истеъмолчинни бевосита ёки билвосита чағалтадиган ахборотни, шу жумладан «катрон миқдори кам», «енгил», «жуда енгил», «юмшоқ», «экстра», «ультра», «ингичка» каби сўзларни ёхуд бундай сўзлар билан бир ўзакли сўзларни, бундай сўзларнинг чет тиллардаги аналогларини, шунингдек бундай сўзларнинг чет тиллардан таржима қилинадиган аналогларини жойлаштириш тақиқланади.

Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган ва унинг худудида олиб қириладиган тамаки маҳсулотлари белгиланган намунадаги акциз марказлари билан тамгаланиши шарт.

37-модда. Тамаки маҳсулотларининг, тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларининг айланishi

Таркибидаги никотин ҳамда индон хайти ва соғлиги учун зарарли бўлган бошқа моддалар никотиннинг йўл қўйиладиган энг юқори даражаларидан ошадиган тамаки маҳсулотларининг, шунингдек санитария-эпидемиология талаблари белгиланмаган тамаки маҳсулотларининг айланishi тақиқланади.

Куйидагиларни: чекилмайдиган тамаки маҳсулотларини, шу жумладан таркибида никотин мавжуд бўлган чекилмайдиган маҳсулотларни;

таркибида маҳсулотнинг жозибadorлигини оширишга қаратилган моддалар ёки никотинга қарамлиги оширадиган қўшимчалар мавжуд бўлган никотинли ва никотинсиз суюқликларни, никотинли ва никотинсиз суюқликларига бўлган тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларини, шунингдек электрон сигареталарни Ўзбекистон Республикасига олиб кириш (шу жумладан ҳаққор почта ва кuryerлик хўжатлари орқали олиб кириш) ҳамда Ўзбекистон Республикаси худудида реализация қилиш тақиқланади.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида белгиланган тақиқ Ўзбекистон Республикаси худудида нoсвийни ишлаб чиқаришга ва реализация қилишга нисбатан таъбиқ этилмайди.

Тамаки ва никотинни нoсвийли ва никотинсиз суюқликлар билан истеъмол қилиш мосламаларининг ўзига жалб этувчанлигини оширишга қаратилган моддалар, электрон сигареталар, никотинли ва никотинсиз суюқликлар, шунингдек никотинга қарамлиги кучайтирувчи қўшимчалар рўйхати техник тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар билан белгиланади.

Тамаки маҳсулотларига ўхшатиб ишланган товарларни (бундан тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламалари мустасно) ишлаб чиқариш, олиб кириш, сотиш ва тарқатиш тақиқланади.

Тамаки маҳсулотларининг ва тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларининг улгурчи ва чакана савдоси қонунчиликка мувофиқ юридик шахслар ҳамда аяка тартибдаги тадбиркорлар томонидан амалга оширилиши мумкин.

Тамаки маҳсулотларининг, тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларининг чакана савдоси факат тамаки маҳсулотларини ва тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларини сақлаш ҳамда реализация қилинишни тегишли санитария нормалари ва қондаларига мос келадиган омборхоналари ҳамда ускуналари бўлган кўчмас савдо объектларида амалга оширилиши мумкин.

Чакана савдо амалга ошириладиган тамаки маҳсулотларини, тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларини ёйиб қўйиш ва очиб намоийш этиш тақиқланади. Чакана савдо учун тақиқ этилётган тамаки маҳсулотлари ва

тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламалари тўғрисидаги ахборот сотувчи томонидан харидорлар эътиборига савдо залида сотиладиган тамаки маҳсулотлари ва тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламалари рўйхатини жойлаштириш орқали етказилади, рўйхатнинг матни оқ фонда бир хил ўлчамдаги қора рангли харфлар билан ёзилади ва рўйхат алфавит тартибида, сотиладиган тамаки маҳсулотларининг ва тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларининг нархи кўрсатилган ҳолда, бирор-бир график тасвирлар ва расмлардан фойдаланмасдан тузилади.

Кўчмас савдо объектларида тамаки маҳсулотларини ва тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларини харидорга намоийш этиш унинг талабига кўра сотиладиган тамаки маҳсулотлар ва тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламалари рўйхати билан танишиб чиққандан кейин амалга оширилиши мумкин.

Тамаки маҳсулотларининг ва тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларининг чакана савдосига доир фаолият онлайн тарзда физикал хотирли нoсоз-касса машиналарини ва (ёки) виртуал касса тизимларини, шунингдек банк пластик карталарини тўловларни қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминалларини албатта қўйлаган ҳолда амалга оширилади.

Тамаки маҳсулотлари ва тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламалари, шу жумладан импорт қилинган бундай маҳсулотлар ва мосламаларининг сотувчи ҳар бир номдаги маҳсулот бўйича тайёрловчининг ёки етказиб берувчининг имоси билан тасдиқланган, ҳар бир номдаги маҳсулот бўйича мувофиқлик сертификатини мажбурий ҳақидаги маълумотлар бўлган ҳисоба олиш ва рўйхатдан ўтказилганлик рақамлари, ушбу сертификатнинг амал қилиш мuddати ҳамда сертификатни берган орган кўрсатилган товар-транспорт ҳужжатларига эга бўлиши керак.

6-бoб. Яқунловчи қондалар

38-модда. Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисидаги қонунчиликнинг ижро этилиши устидан давлат назорати

Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисидаги қонунчиликнинг ижро этилиши устидан давлат назорати ваколатли органлар томонидан қонунчиликка мувофиқ амалга оширилади.

39-модда. Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклашга доир тадбирларни молиялаштириш

Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш, уларнинг аҳоли соғлигига зарарли таъсирини профилактика қилишга, унинг олдини олишга, таъсирини камайтиришга доир тадбирларни молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетни маблағлари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

40-модда. Низоларни ҳал этиш

Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш соҳасидаги низолар қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал этилади.

41-модда. Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик

Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисидаги қонунчиликни бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

42-модда. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларини ўз қучини йўқотган деб топиш

Куйидагилар ўз қучини йўқотган деб топилиш:

1) Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 5 октябрда қабул қилинган «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида»ги УРҚ-302-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2011 йил, № 10, 272-модда);

2) Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 2 июлда қабул қилинган «Жамоат жойларида чилим ва электрон сигареталар чекиши чеклаш тўғрисида»ги УРҚ-478-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 7, 423-модда);

3) Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 14 ноябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги УРҚ-584-сонли Қонунинг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 11, 792-модда) 11-моддаси;

4) Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 21 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги УРҚ-683-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, 4-сонга қилиб) 209 ва 253-моддалари;

5) Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 12 октябрда қабул қилинган «Лицензиялаш, рўқсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги УРҚ-721-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, № 10, 968-модда) 25-моддаси.

43-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушутирилишини таъминлаш

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Адлия вазирлиги ушбу Қонуннинг ижросини, ижрончиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушутирилишини таъминласин.

44-модда. Қонунчиликни ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва беқор қилишларини таъминласин.

45-модда. Ушбу Қонуннинг қучга кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган қундан эътиборан уч ой ўтган қучга қиради.

Ушбу Қонун 36-моддасининг учинчи — саккизинчи қисмлари, 37-моддасининг иккинчи қисми ушбу Қонун қучга қирган қундан эътиборан тўққиз ой ўтган амалга қирилади. Бунда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларнинг талаблари ушбу Қонун 36-моддасининг учинчи — саккизинчи қисмларида кўрсатилган талаблар амалга қиритилгунига қадар амал қилади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2023 йил 24 май № УРҚ—844

Марказий сайлов комиссиясида

МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ЧЕТ ДАВЛАТЛАРДАГИ ДИПЛОМАТИК ВА БОШҚА ВАКОЛАТХОНАЛАРИ ҲУЗУРИДА 56 ТА САЙЛОВ УЧАСТКАСИ ТУЗИЛАДИ

Кеча Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлис кун тартибига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузуридаги сайлов участкаларини тўзиш ҳамда сиёсий партиялар томонидан тақдим этилган имзо варақалари тўғри тўлдирилганлигини текширувчи эксперт гуруҳларини тузишга оид масалалар кўриб чиқилди.

Сайлов кодекси ва Марказий сайлов комиссиясининг 2019 йил 22 октябрдаги 966-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида сайлов участкаларини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомига асосан ҳамда Ташқи ишлар вазирлигининг тақдимномасига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида сайлов участкалари тузилади.

Ушбу талаблардан келиб чиқиб, Марказий сайлов комиссиясининг мажлисида мамлакатимизнинг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида 56 та сайлов участкаси тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди ҳамда мазкур сайлов участкалари 14-Тошкент шаҳар сайлов округига бириктирилди.

Мажлисида шунингдек, сиёсий партиялар томонидан тақдим этилган имзо варақалари тўғри тўлдирилганлигини текширувчи эксперт гуруҳлари тузилди ҳамда тегишли қарор қабул қилинди.

Эксперт гуруҳи таркибига жами 36 нафар криминалист, хатшунос эксперт-мутахассислар, шунингдек, олий таълим муассасалари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинларининг вакиллари жалб этилди. Имзо варақаларини текширишда сиёсий партияларнинг ваколатли вакиллари ҳам иштирок этишди.

Сийосий партиялар тақдим этган имзо варақаларининг тўғри тўлдирилганлиги Марказий сайлов комиссиясини томонидан тўрт қунлик мuddатда текширилади.

«Халқ сўзи».

ЮНЕСКО ИЖРОИЯ КЕНГАШИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ СОҲАСИДАГИ РЕЗОЛЮЦИЯСИНИ БИР ОВОЗДАН МАЪҚУЛЛАДИ

ЮНЕСКО Ижроия кенгашининг 216-сессияси (Париж шаҳри, 10 — 24 май) Ўзбекистон ташаббуси билан «Тошкент декларацияси бажарилиши бўйича бундан кейинги савий-ҳаракатлар ҳамда ёш болалар тарбияси ва таълимини ўзгартириш чораларини кўриш бўйича мажбуриятлар» резолюциясини бир овоздан маъқуллади.

Эътироф

Қарор лойиҳаси ташкилотга аъзо давлатлар томонидан Ижроия кенгашининг 216-сессияси кун тартибидаги янги бандлар сифатида тақдим этилган асосий ҳужжатлардан бири бўлди. Дунёнинг 55 мамлакати — Андорра, Жазоир, Озарбайжон, Бахрайн, Бангладеш, Беларусь, Буркина-Фасо, Венгрия, Вьетнам, Габон, Гаити, Гватемала, Жибути, Миср, Зимбабве, Индонезия, Яман, Қозғоистон, Кот-д’Ивуар, Кувайт, Қирғизистон, Латвия, Либерия, Ливан, Ливия, Марокко, Молдова, Мўғлистон, Мозамбик, Нигерия, БАА, Уммон, Қў оролари, Покистон, Фаластин, Панама, Парагвай, Қатар, Руминия, Россия, Саудия Арабистони, Сент-Люсия, Сент-Винсент ва Гренадин ороллари, Сингапур, Словакия, Сурия, Тожикистон, Танзания, Того, Тунис, Туркманистон, Туркия, Ўзбекистон, Чили ва Шри-Ланка ушбу ҳужжатнинг ҳаммуаллифлари бўлишди.

Резолюцияда Ўзбекистон Республикаси ҳукуматига ёш болаларни тарбиялаш ва

Резолюция Тошкент декларациясининг асосий бандларини қамраб олгани баробарида бутун дунё бўйлаб ёш болаларни тарбиялаш ва ўқитиш бўйича чора-тадбирларни фаоллаштириш мақсадида уни илгари суришининг аниқ механизмларини ҳам тақдир этган. Ушбу ҳужжатнинг бажарилиши бўйича бундан кейинги фаолият доирасида, жумладан, қуйидаги қадамлар кўзда тутилган:

- 1) Тошкент декларациясининг бажарилишини қузатиб бориш мақсадида аъзо давлатлар зиммасига олган мажбуриятларнинг бажарилиши юзасидан мониторинг ва ҳисобдорликни амалга ошириш;
2) Тошкент декларацияси қондаларини ҳисобга олган ҳолда унинг бандларини янгилаш йўли билан ёш болаларни тарбиялаш ва ўқитиш соҳасида Шериклик глобал стратегиясининг механизмини фаоллаштириш;
3) Ёш болаларни тарбиялаш ва ўқитиш бўйича мавзуга доир халқор ва минтақавий учрашувлар ўтказиш.

Бошқалар қатори Тошкент декларациясини амалга оширишда эришилган муваффақиятларини сарҳисоб қилиш учун ҳар беш йилда бир йирик тадбирни ташкил этишга қарор қилинган.

«Дунё» АА. Париж

ҚАРДОШЛИК АЛОҚАЛАРИ ИСТИҚБОЛЛИ ДАВОМ ЭТАДИ

Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Содиқ Сафоев Озарбайжон Республикаси диаспора билан ишлаш давлат қўмитаси раиси Фуад Муродов билан учрашди.

Мулоқот

Мулоқот чоғида икки давлат раҳбарлари даражасида йўлга қўйилган мунтазам мулоқот, етқиқларнинг мустақам сиёсий иродаси ва биргалликда аъзо давлатларга савий-ҳаракатлари тўғрисидаги кейинги йилларда Ўзбекистон — Озарбайжон муносабатлари сифат жиҳатдан мулоқот алоқасида тақдирланди.

Шунингдек, томонлар Ўзбекистон ва Озарбайжон парламентлари ўртасидаги аънаввий қил ва самарали алоқалар ривожланиб бораётгани билан, бундан ташқари парламент ваколатдорларининг роли муҳим эканини қайд этдилар.

Ф. Муродов Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар соҳасида олиб борилаётган давлат сиёсатини оқсак баҳолади. Хусусан, мамлакат раҳбарияти

ва ҳукумати томонидан миллатлараро ва конфессиялараро муносабатларни мустақамлашга қатта аҳамият берилаётганини таъқидлар экан, Ўзбекистонда озарбайжон маданияти, тили, аънаввалари ва урф-одатларини асраш ҳамда ривожлантириш мақсадида Республика Озарбайжон маданият маркази фаолияти учун барча имкониятлар ва шарт-шароитлар яратиб берилганига миннатдорлик билдириди.

Учрашув сўнгида Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги қардошлик алоқалари истиқболли давом этишига ишонч билдирилиб, қамрови жиҳатдан кенгайиб бораётган икки томонлама мулоқотни амалий мазмун билан янада бойитишга келишиб олинди. «Халқ сўзи».

МУАММОЛАР ЕЧИМИДА САМАРАЛИ ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ ЗАРУР

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси томонидан «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ижроси ҳолатини Хоразм вилоятида назорат-таҳлил тартибида ўрганиш аъунларига бағишланган йиғилиш ўтказилди.

Тадбир

Унда парламент қуйи палатаси депутатлари, Иқтисодийёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси, Адлия вазирлиги, Қамбағаллиликни қисқарттириш ва бандлик вазирлиги масъул ходимлари, Хоразм вилояти ҳокимлиги ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Айтиб ўтилганидек, 2023 йил 1 апрель эълонига кўра вилоятда пенсия ва нафақа олувчиларнинг умумий сони 242,8 минг нафарга етиб, аҳоли сониданги улуши 12,3 фоизни ташкил қилган. Шундан 208,2 минг нафари пенсия ва 34,6 минг нафари нафақа олувчиларни ташкил этди.

Йиғилишда қайд этилганидек, Президентимиз

нафақаси ва моддий ёрдам пулини банк карталари орқали олувчиларга ҳар ойлик пенсия ва нафақа пулининг 1 фоизи миқдорида қўшимча тўлов жорий қилинган.

Ушбу имкониятлар натижасида вилоят бўйича жорий йилнинг май ойида 175 минг 291 нафар пенсия ва нафақа олувчи фуқароларга банк пластик карта орқали тўловлар амалга оширилиб, банк карталари орқали олувчиларга ҳар ойлик пенсия ва нафақа пулининг 1 фоизи миқдорида қўшимча тўлов сифатида йўналтирилган.

Бугунги кунда Пенсия жамғармаси томонидан кўрсатиладиган 13 турдаги хизматларнинг 10 таси фуқаронинг Пенсия жамғармасига мувофиқсиз амалга оширилмоқда. Хусусан, 2022 йил ва